



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 20 февраль, № 37 (8660)

Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари — саноат ва савдо вазири, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Музокаралар аввалида Ҳукумат Раиси ўринбосари Денис Мантуров давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 5 — 7 октябрь кунлари Россияга расмий ташрифи якунида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича эришилган келишувлар ва қабул қилинган битимларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашувда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми ўтган йил якунларига кўра 6,6 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди. Саноат, энергетика, транспорт, металлургия, кимё, фармацевтика ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2023 йилда бўлиб ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари, худудлар, таълим ва тиббиёт форумларининг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Ўзаро савдонинг ўсиш суръатларини давом эттириш, кооперация лойиҳаларини, шу жумладан, жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида учинчи бор ўтказиладиган “Иннопром. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмаси негизда янада илгари суриш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ҲУДУДЛАРДАГИ ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНияТЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 февраль куни худудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш, паст қувватда ишлаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид тақлифлар тақдими билан танишди.

Бу ҳақда шу йил январда макроиқтисодий барқарорлик таҳлили бўйича ўтган видеоселектор йиғилишида топириқ берилган эди. Унга мувофиқ худудларда ишга солинмаган қўшимча имкониятлар, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифлари ўрганилди.

Масалан, Қашқадарё вилоятидаги Миришкор каналига қўшимча насос ва лотоклар ўрнатиш орқали Қарши туманида 600 гектар ерни ўзлаштириш мумкин. Бу кастор ловияси етиштириб, унинг мойини ишлаб чиқариш, 1 минг 400 кишининг бандлигини таъминлаш имконини беради.

Айрим саноат зоналарида инфратузилма қувватини яхшилаш зарур. Шу мақсадда жорий йилда бюджетдан 1,5 триллион сўм ажратилиши белгиланган. Бунинг натижасида мазкур зоналарнинг ҳозирча дорлиги ошиб, корхоналар фаолияти кенгайди ва иш ўринлари кўпаяди.

Саноат корхоналарига яқин

бўш майдонларда қуёш панеллари ўрнатиб, уларга қўшимча энергия етказиб бериш ҳамда тизимдаги юкларни енгиллатиш имконияти бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари билан тақдим этилган солиқ ва боғжона имтиёзлари корхоналар фаолиятига ижобий таъсир қилган. Масалан, текстиль учун бўёқ импортида боғжона имтиёзи қўлланилгани ҳисобига трикотаж мато, қўйлақ, костюм-шим таннархи арзонлашган. Тақдиротда ушбу имтиёзлар муддатини узайтириш орқали эришилган натижаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бу тақлифларни маъқуллаб, тегишли меъёрий ҳужжатларни тақомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди. Мутасаддиларга барча 208 та туман ва шаҳарнинг “Ўсиш нукталари”ни аниқлаш, аҳоли даромадларини оширишга қаратилган лойиҳалар тайёрлаш вазифаси қўйилди.

АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШГА ОИД ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар ҳамда келгуси режаларга оид тақдирот билан танишди.

Маълумки, жорий йилнинг 12 — 17 февраль кунлари Самарқанд шаҳрида БМТнинг Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турларини сақлаб қолишга доир конвенцияси томонлар конференциясининг 14-йиғилиши (COP-14) бўлиб ўтди. Унда 130 дан ортқ давлатлардан 2 мингга яқин иштирокчилар қатнашди.

Тадбир якунлари бўйича Конвенцияга аъзо давлатлар томонидан ижрога қаратилиши учун 2024 — 2032 йилларга мўлжалланган Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрвчи турлари бўйича Самарқанд стратегик режаси тасдиқланди. Экологик боғлиқлик бўйича глобал ҳамкорлик (GPEC) ташаббуси ишга туширилди.

Ўзбекистон БМТ конвенциясига 2024 — 2026 йиллар учун президент сифатида сайланди. Тошкент шаҳрида Халқаро табиати муҳофаза қилиш иттифоқи (IUCN)нинг Марказий Осиёдаги илк ваколатхонаси очилди. Шунингдек, БМТ Атроф-муҳит дастурининг Ўзбекистонда ваколатхонасини очиб бўйича келишува эришилди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда Марказий Осиёда 6 та трансгегаравий муҳофаза этиладиган табиий худудни барпо этишга қаратилган лойиҳани амалга оширишга келишилди. Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотлар ўртасида қатор ҳужжатлар имзоланди.

Давлатимиз раҳбари бу соҳадаги ҳамкорликни давом эттириб, Ўзбекистоннинг ҳарақатлар режасини ва янги грант лойиҳаларини ишлаб чиқиш, халқаро экология ташкилотлари ва конвенция бош қароргоҳида соҳа ходимларининг маҳакасини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдиротда “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳаси ҳақида ҳам ахборот берилди.

Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 205 миллион доллардан зиёд бўлиб, 6 йил давомида амалга оширилади. Бу маблағ ўрмонлар худудини кенгайтириш, ўрмон ҳўжаллиқлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, барқарор бошқарувни жорий этиш, экотуризм инфратузилмасини ривожлантириш каби мақсадларга йўналтирилди.

Хусусан, ўрмонларни тиклаш ва муҳофаза қилишда инновацион бошқарув тизими ҳамда ахборот технологиялари жорий қилинади. Деградацияга учраган ўрмон ерлари тикланади. Чегарадош худудлардаги ландшафтни тиклаш бўйича қўшни давлатлар билан ҳамкорлик ривожлантирилади.

Буларнинг натижасида, жумладан, 175 минг гектар ўрмонлар ва 38 минг гектар яйловларни қайта тиклаш, 19 минг

гектарда агроўрмон ва 5 минг гектарда саноатбўй ўрмонлар барпо этиш, 63 километр экоийлақлар ташкил қилиш кўзда тутилган.

Жорий йил 4 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чиқиндиларни бошқариш тизимини тақомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган эди. Тақдиротда мазкур Фармон ижроси доирасида қилинаётган ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Ортимизда йилга ўртача 6,8 миллион тонна маший чикинди ҳосил бўлади. Сўнгги йилларда санитар тозалаш хизмати билан қамраб олинган маҳаллалар сони 90 фоиздан ошди. Лексин чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси юқори эмас. Ҳозирда бундай корхоналар 313 та ҳолос.

Президент Фармонида бундай фаолиятни янада рағбатлантириш чоралари белгиланган. Жумладан, 2024 йил 1 июндан бошлаб маший чикиндилар таркибидagi иккиламчи хомаҳсини реализация қилиш фақат биржа орқали амалга оширилади.

Чиқиндиларни “қайта ишланмайдиган” ва “озиқ-овқат” тоифаларига ажратган ҳолда илгари ташкил этилади. Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш соҳасида хусусий шериклик ривожлантирилади.

Чиқиндиларни белгиланмаган жойларга ташлаганлик учун жарима миқдорини ошириш, чиқинди ташлаб кетилган жойни тозалаш ва олиб чиқиб кетиш мажбуриятини белгиланган чоралари қулайитирилмоқда.

Шунингдек, тақдиротда маший чикинди полигонларини оптимизация қилиш, чиқиндилардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, чиқинди полигонларини инвестициялар киритишга жозибдор қилиш учун уларнинг буфер худудларига махсус иқтисодий зоналар режими жорий этиш, чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ҳамда органик усулда ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш бўйича янги тизим йўлга қўйилди. Ушбу янги тизим бўйича биринчи пилот лойиҳа Андижон вилоятида амалга оширилди.

Жумладан, Андижон туманида 13 миллион доллар инвестиция эвазига органик чиқиндидан 100 минг тонна ўғит, Асакада чиқиндидан йилга 2 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқарадиган лойиҳалар ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Келгусида ушбу Андижон тажрибаси юртимизнинг бошқа худудларида ҳам татбиқ этилади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ РОЛИНИ ҲАМДА НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни тақомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш бўйича бир қатор вазифаларни кун тартибига қўймоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг норма ижодкорлиги фаолиятининг ислохотлар

билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш бўйича мақсадига эришиш, шунингдек, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини янада ошириш, шу жумладан, улардаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш ва ҳаволаки нормаларни амалга ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БУЮК ТУРКМАН ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Туркман халқининг улўғ фарзанди Махтумқули Фироғий нафақат туркий халқлар, айни пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккирдир.

Ҳассос сўз санъаткорининг чуқур гуманизм билан сўғорилган асарлари мард ва матонатли, меҳнаткаш туркман халқининг эзгу қадриятлари ва олийжаноб фазилатларини тараннум этиши, ҳаммиса халқ билан ҳамдард бўлишга, турли миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ахиллик ва ҳамжихатлик ришталарини мустаҳкамлашга

қаратилган мазмун-моҳияти билан барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун ибрат намунасидир.

Бу йил нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО раҳнамолигида Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллик қутлўғ юбилей санаси дунё миқёсида кенг нишонланаётгани ҳам шоир адабий мероси жаҳон сўз санъатининг бебаҳо хазинасига айланб, инсониятнинг маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилиб келаётганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).



Сенатор ва ҳаёт

Муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тақлифлар илгари сурилди

Маълумки, Олий Мажлис Сенати томонидан республика худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳамда жойлардаги муаммолар масалалар ва уларни ҳал этишда ижро органлари амалга ошираётган ишлар доимий равишда ўрганиб келинмоқда.

Хусусан, куни кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган навбатдаги сайёр мажлисида парламент назорати доирасида ўтказилган ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Қайд этилганидек, Сирдарё вилояти худудларини ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш дастурларини амалга ошириш борасида қатор натижаларга эришилган.

Жумладан, ўтган йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажми 5,9 фоиз, саноатда — 7,1, қишлоқ ҳўжалигида — 6,4, хизматлар кўрсатишда — 10,9, қурилишда 7,9 фоиз ўсган. Аҳоли кун бошига ЯҲМ ҳажми 23,8 млн сўмни ва ўсиш суръати 3,8 фоизни ташкил этган.



Самимий мулоқотлар сирдарёликларни янги марралар сари илҳомлантирмоқда

16-17 февраль кунлари Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Сирдарё вилоятининг Гулистон, Боёвут, Мирзаобод туманлари ҳамда Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларидаги соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари, иқтисодиёт объектлари ҳамда маҳаллаларда бўлиб, аҳоли вакиллари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан бевосита мулоқотлар ўтказди.

Бугун аҳоли соғлигини сақлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, давлатимизнинг ижтимоий йўналишда амалга ошираётган ислохотларнинг устувор йўналишга айланган. Бунда, албатта, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва оммавий спортни ривожлантириш муҳим восита саналади. Сенат Раиси вилоятга

амалий ташрифини Гулистон шаҳрида хотин-қизлар ўртасида ўтказилган веломарафонда иштирок этиш билан бошлади.

Мазкур муСОбақа шаҳардаги И. Каримов ва Гулистон қишлоқлари бўйлаб ташкил этилиб, иштирокчилар қарийб 3 километрлик масофани велосипедда босиб ўтди.



ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ФАОЛЛИК БИЛАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси фракцияларида

Кенг қамровли ишларга фидойилик билан ёндашилади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 15-16 февраль кунлари Андижон вилоятига ташрифи якунларидан келиб чиқувчи устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари охириги етти йилда вилоятда тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти кенг ривожлангани, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар бажарилгани, таширф давомида белгилаб берилган вазифалар ЎзЛиДеП ва унинг парламентдаги фракцияси зиммасига ҳам катта масъулият юклашини қайд этдилар.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар партия фаолла-



ри, депутатларни ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга ундаши, шу сабабли давлатимиз раҳбари ташаббускорлигида бошланган кенг қамровли ишларга фидойилик билан ёндашиб, амалий сайёҳ ҳаракатлар орқали депутатлар ҳам вилоятнинг янги босқичдаги тараққиёти учун ўз хиссасини қўйиши кераклиги айтиб ўтилди.

Йиғилишда, шунингдек, “Сув

ресурсларини бошқариш тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан сув ҳўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб бериш хизматлари учун тўловларни бекор қилиш кўзда тутилмоқда. Ушбу харажатларнинг ўрни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқларнинг 40 фоизини йўналтириш ҳисобидан қопланиши белгиланяпти.

Мунозаралар давомида лойиҳада назарда тутилаётган ангилликлар фермерлар учун янада қулай-

лик яратиб, уларнинг моддий маънаватдорлиги ортишига хизмат қилиши эътироф этилди.

Шу билан бирга, айрим нормалар юзасидан бир қатор саволлар ўртага ташланди. Қонун ташаббускорлари кўтарилган масалалар лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътиборга олинишини маълум қилди.

Янги институт жорий қилинмоқда

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фракцияси йиғилишида “Бола-ларни зўравонлиқнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ҚОНУНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ РОЛИНИ ҲАМДА НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1. 2017 — 2023 йилларда қабул қилинган 135 та яхлит қонунда жами 543 та ҳаволаки норма мавжудлиги, шундан 23 та қонундаги 41 та ҳаволаки нормани амалга ошириш бўйича қонуности ҳужжатлари қабул қилинмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар режаси) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларнинг улушини изчил ошириб бориш ҳамда қонунлардаги ҳаволаки нормалар ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 мартдан бошлаб қуйдаги тартиб-таомилларни жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

қонун лойиҳасидаги ҳаволаки нормаларни амалга оширишнинг аниқ мuddатлари ва масъул ижрочиларини лойиҳанинг ўзида мажбурий тартибда белгилаш; тегишли соҳани тартибга солувчи қонун лойиҳасини тайёрлашда ушбу соҳадаги қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган муносабатларни қонун даражасига кўтариш имкониятини муҳокама қилиш шартлигини белгилаш ва бу ҳақда қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида кўрсатиш;

қонун кучга кирган қундан бошлаб беш йил ўтиб, масъул давлат органи ва Олий Мажлис палаталарининг кўми-талари томонидан қонуннинг самарадорлигини, мақсади ва қўтилган натижаларига эришилганлигини аниқлаш учун унинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш амалиётини жорий этиш.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари, илмий ҳам-жамият вакиллари иштирокини кенгайтириш, жамоатчилик муҳокамаси тизимини такомиллаштириш ҳамда норма ижодкорлиги жараёнининг халқчил

бўлишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 1 мартдан бошлаб қуйдагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилсин:

янгича тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида тўпланган ижобий тажриба асосида энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишдан олдин уларнинг тайёрланиши ҳақидаги ахборот норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилади ҳамда дастлаб жамоатчиликнинг тақлиф ва тавсиялари олиниб, улар асосида тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатни кучини йўқотган деб топиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилганда, унинг асосида қабул қилинган қуйи турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилиб, уларни ҳам ўз кучини йўқотган деб топиш масаласи кўриб чиқилади.

5. Масъул вазирлик ва идоралар ушбу қарорга иловага мувофиқ тасдиқланмаётган чора-тадбирлар режасида белгиланган мuddатларда қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш, миллий ва халқаро тажрибани чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш аянлари бўйича норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг пухта ишлаб чиқилиши, келишилиши ҳамда қабул қилиниши ёки ўрнатилган тартибда қиртилишини таъминласин.

6. Адлия вазирлиги: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари белгиланган тартибда келишилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасига киритилиши устидан мониторинг олиб бориш;

чора-тадбирлар режасида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

жамоатчилик муҳокамасига чиқарилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича аҳолининг тақлиф ва эътирозларига ишлаб чикувчи томонидан муноса-

бат билдирилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат ҳудудида олий юридик кучга эгаллиги ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиши тўғрисидаги конституциявий нормалардан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини баҳолашни алоҳида мезон сифатида белгиласин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ушбу қарор талабларига риоя этилишини таъминласин;

уч ой мuddатда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик тақлиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқиш бўйича вазирлик ва идоралар учун услубий тавсияларни тасдиқласин;

уч ой мuddатда қонунларнинг амалиётда аниқ ва тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқни қўлловчиларга ва аҳолига тушунтириш юзасидан қўри-лаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифлар киритсин.

7. Масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига чора-тадбирлар режасида белгиланган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши, экспертиза қилиниши ва келишилиши юзасидан шахсий масъулият юклансин.

8. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига қонунларнинг ҳаволаки нормалари амалга оширилиши устидан таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

9. Масъур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шoҳри,
2024 йил 19 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

БУЮК ТУРКМАН ШОИРИ ВА МУТАФАККИРИ МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон дунёда Махтумқули асарлари энг кўп нашр қилинадиган ва ўқиладиган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилиши, албатта бежиз эмас. Юртимизда мумтоз шоирнинг шеърлари ва улар асосида яратилган қўшиқлар кириб бормган бирор-бир хонадон, унинг номи-ни билмайдиган бирор-бир ўзбек топилайди. Махтумқули асрлар мобайлида халқимизнинг ўз шоирига айланган. Унинг шеърлари ўзининг теран фалсафий маъносини, халқона руҳи, юксак бадиияти билан баҳши ва ҳофизларимиз, шоирларимизга илҳом бағишлаб, ҳамиша давраларда янграб, эл-юртимиз қалбида яшаб келади.

Махтумқулининг ўз даврида Хивадаги машҳур Шерғозихон мадрасасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк сўз санъаткорини ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги чинакам дўстликнинг аjoyиб намунасидир. Махтумқули Хивада жуда кўп устоз ва маслакдошлар, дўст-ёр ва мухлислар ортирган, бу ерда кечирган йилларини миннатдорлик билан эслаб, гўзал шеърлар битганини ўзбек китобхоналари яхши билган.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Махтумқули Фирогийнинг ўлмас бадийий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Икки қардош эл учун бирдек ардоқли бўлган шоирнинг баркамол асарлари мамлакатимизда мунтазам равишда, йилри адалдларда нашр этилмоқда. Тошкент ва Хива шаҳарларида шоир хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари таваррук зияратхоналарга айланган.

Ўзбек халқининг Махтумқули Фирогий сиймосида қардош Туркменистон халқига, унинг бую тарихи ва маданияти, урф-одат ва қадриятларига ҳурмат-эҳтиромининг ёрқин намунаси сифатида ҳамда шоир таваллудининг 300 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Республика Мазнавият ва маърифат маркази, Бадиий академия, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ҳамда жамоатчилик вакилларининг буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонлаш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий кўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий кўмита) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий кўмита (А.Н.Арипов) икки ҳафта мuddатда Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

Чора-тадбирлар дастурида:

Махтумқули Фирогийнинг “Танланган асарлар”и ҳамда унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган илмий мақолалар тўпламини нашрга тайёрлаш ва chop этиш; давлат буюртмаси асосида Ўзбекистон ва Туркменистон кино усталари ҳамкорлигида Махтумқули Фирогийга бағишланган бадийий фильм яратиш;

шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида спектакль сахналаштириш;

ёш хонандалар ўртасида “Махтумқули шеърлари билан айтиладиган энг яхши қўшиқлар ижрочиси” республика танловини ўтказиш;

Бадиий академиянинг марказий кўрғазмалар залида ўзбек ва туркман халқларининг дўстлик ва қардошлик алоқаларини тараннум этувчи тасвирий санъат асарлари кўрғазмасини ташкил этиш;

Хива шаҳрида Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда “Махтумқули ижодининг ўзбек адабиёти ва санъатида тугган ўрни” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказиш;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим ташкилотлари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ҳамда маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

2024 йил октябрь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Махтумқули Фирогий хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Махтумқули Фирогий таваллудининг 300 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Масъур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш тегишли вазирлик, идора ва ташкилотларга ахиратинган бюджет маблағлари, уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан таққиланганма бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

6. Масъур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шoҳри,
2024 йил 19 февраль



Давлатимиз раҳбари юртимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлашга қаратилган кўплаб ташаббуслар қаторида Андижон шаҳридаги санъат мактабига ўзбек қўшиқчилигига бекиёс ҳисса қўшган, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти Шерали Жўраев номи-ни бериш тақлифини билдирдики, бу воқеа ҳофизнинг ҳақиқий мухлислари қалбини тўқилантириб юборгани айнаи ҳақиқат.

Юртбошимиз тақлифига кўра ушбу мактаб энди мусиқа ва санъат коллежига айлантирила-ди ва бу ерда грант асосида янги истеъдод эгалари тарбияланади.

Мазкур янгиликни оиламиз аъзолари кўзда қувонч ёшлари билан кутиб олгани бежиз эмас. Саодатли бу онларда отамизнинг умр йўли, сурган давру давронлари, шу билан бирга, тортган азоб-уқубатлари ҳам кўз олди-мизда жонланади.

Донолар айтмишки, ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўли пасту ба-ландликлардан иборат. У бир те-кис оқимламай, гоҳ тўсиқларга учрайди, гоҳ қоқилиб-суринади. Лекин мақсади ойдин бўлса, ай-ниқса, уни маънавий қўллаб-қув-ватлаб турадиган тоғдек таняни-суянчи бўлса, бу инсон, албатта, ўзи кўзлаган нурли манзилга ета олади.

Падали бузрукворимизнинг умр йўлига назар солсак, бу на-қадар ҳақиқат эканини кўрамиз. Элимиз суйган ҳофиз бутун ҳаётини, борлигини санъатга ба-ғишлади. Мақтову олқишларга сазовор бўлди. Давралар тўрида қўр тўкди. Айнаи пайтда узок вақт ноодил қоралов билан тақиқ рўйхатиға киритилди. Бу ҳол ота-мизни ҳам жимсонан, ҳам руҳан эзиб келди. Ўша кезлар биз қани энди, Мустақиллик байрамига отамиз қақирилса, “Ўзбегим” қўшиғи жарангласа, деб орзу қилардики.

Шўқри, биз кутган кунлар ҳам келди. 2016 йилдан бошланган мамлакатимиз тараққиётининг янги даври бутун юртошларимизга, айниқса, ижод аҳли учун эркинлик, чин маънода ҳурлик бахтини туҳфа этди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юксак сиёсий иродаси, қатъияти, ба-ғрикенглиги, халқимизга меҳри ту-файли йиллар давомида бағир-ларни куйдирган армонлар ушлад-ди, орзулар рўбёга қикди — адо-лат тикланди. Отам ҳам давлати-миз байрамларида ўз қўшиқлари билан мухлисларини хурсанд қилди.

Бу, айниқса, оиламиз учун ни-ҳоятда қувончли тарихий воқеа эди. Отам давлатимиз раҳбарии ноим “Ота”, деб гапирар, шу орқали ўз ҳурмат-эҳтироми ва миннатдорлигини изҳор этарди.

Ўша — илк учрашувидан кейин отам уйга келиб, бизга ай-тган биринчи гапи ҳамон эсим-да. “Ота менга 40 ёшимни қай-тариб бердилар”, деганини кўзи-да ёш билан.

Юртбошимиз падаримизни 2018 йилда “Фидокорона хизмат-лари учун” ордени билан муко-фотлаган бўлса, 2022 йилда ноёб истеъдоди, кўп йиллик самарали ва бетакорр ижоди билан ўзбек қўшиқчилиқ санъатини ва миллий маданиятимизни ривожлантириш, унинг шон-шухратини дунё халқ-лари ўртасида кенг тарғиб этиш-ча қўшган бекиёс ҳиссаси, мус-тақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод-ни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қад-риятлар руҳида тарбиялаш, ёш истеъдод эгаларининг қобилия-тини рўёбга чиқариш борасида-ги катта хизматлари, ижтимоий ҳаётдаги ва жамоат ишларидаги фаол иштироки ҳамда таваллуди-нинг 75 йиллиги муносабати би-лан “Эл-юрт ҳурмати” ордени би-лан тақдирлади. Бу мукофотлар биз учун ниҳоятда қадрлидир.

Афсуски, умр — оқар дарё. Бу дунёда абадий яшашнинг имко-ни йўқ. Бугун ҳам отам, ҳам ус-тозим Шерали Жўраевдан яхши ном ва биз, фарзандлари — ка-мина ҳамда укамга халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган умрбо-қий қўшиқлари бебаҳо мерос бўлиб қолди. Насиб қилса, ушбу қўшиқларни биз — икки ака-ука ҳудди ўзидек, бузмасдан келажақ авлодга етказилиши йўлида хизмат қиламиз.

Бир пайтлар отамнинг ўзи: “Булбуллар ичинда тинмас забон-ман, Ҳамон ёнингданман, тананг-да жонман”, дея қуйлаганидек, у ҳамиша ёнимизда, ёдимизда, булбулзабони, панд-насихатлари, сабоқлари қулқоқларимиз остида тинмай янграйверади. Отамиз-нинг хотирасига қўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан ниҳоятда миннатдорим! Бу хушхабарлар бутун санъат аҳлига берилаётган эътибор рамзи ўлароқ барчани ёниб ижод қилишга ундашига ишонаман.

Шоҳжаҳон Жўраев,
хонанда, «Шуҳрат» медали
соҳиби.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АҲОЛИ ҲАЁТИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 15-16 февраль кунлари Андижон вилоятида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар, маҳаллалар ҳаёти билан танишди. Давлатимиз раҳбари раислигида Андижон вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилишда мазкур ҳудудни тараққий эттириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Акс садо

Тинчлик ва фаровонлик кўргони

Тўлқин КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугун маҳаллалар тараққиётида янги давр бошланмоқда. Хусусан, маҳалла институтининг жамиятимизда ва аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатидаги роли оши-рилиб, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хо-тин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилак-тика инспектори, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходимидан иборат “маҳалла етиллиги” ташкил этилди.

Президентимиз Андижон вилоятига ташрифи давомида Хонобод шаҳридаги Янги ҳаёт маҳал-ласида бўлиб, одамларнинг яшаш шароитлари билан танишди. Ушбу маҳаллада 3,5 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Мактабгача таълим ташки-лотлари, коллеж ва мактабларда сифатли таъ-лим учун шароитлар бор.

Бугун бу ҳудудда бўлаётган ўзгаришлар, янги-ланишларни кўриб, пол қоласиз. Одамларни йил-лар давомида ўйлантириб келган кўплаб маса-лалар ечилган. Ҳндан ортққ уй меҳмонхонаси, йиғирмага яқин савдо дўкони, сартароҳона, хиз-мат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда. Маҳалладаги ижтимоий муаммолар эса ман-зилли ҳал этилаётир. Ҳар бир хонадон, ҳар бир кўчада ободонлаштириш, аҳолининг турмуш фа-

ровонлигини юксалтириш бўйича олиб бо-рилаётган ишлар маҳалла аҳлини беҳад қувонтирмоқда.

Ҳар бир маҳалланинг ўз имкониятлари, анъаналари, одамларнинг хоҳиш-истаклари бор. Шу боис Андижон вилоятини иқтисодий-ижти-моий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган йиғилишда маҳалла ин-ститутини ривожлантириш бўйича устувор ва-зифалар белгилаб берилди.

Эндиликда маҳаллаларни обод қилиш ва қўка-ламзорлаштириш бўйича Андижон тажрибаси яратилди. Уларни мева-сабзавот, чорвачилик, ҳунармандчилик, қасаначилик, саноат, савдо ва хизматга чуқур иxtисослаштириш бўйича дас-тур амалга оширилади. Бу ишсиз юрган ёшлар, хотин-қизларни ҳаракатга келтиргани, фаоллик-ка қорлагани рост.

Ўйлаймики, Президентимизнинг вилоятга ташрифидан сўнг юзлаб лойиҳалар амалга оши-рилади, минглаб янги иш ўринлари яратилиб, асосийси, халқимиз фаровонлиги янада юкса-лади. Ташриф давомида белгилаб берилган ва-зифалар ижросини ўз вақтида таъминлашда биз, халқ вакиллари камарбаста бўламиз.

Энг тўғри ва оқилона ечим

Олтиной МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ташрифи чоғида ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш баробарида бандлик соҳа-сида олиб борилаётган кенг қамров-ли ишлар билан яқиндан танишди.

Албатта, ўтган қисқа даврда вило-ятда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар-ни касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича сал-моқли ишлар бажарилди.

Агар Андижоннинг мард ва олий-жаноб, меҳнаткаш аҳолиси салохия-ти ҳамда хали ишга солинганма им-кониятлар ҳисобга олинса, бу нати-жалардан ҳам юқорироқ марраларга эришиш мумкин. Ташриф давомида 400 минг аҳолини камбағалликдан олиб чиқиш, битирувчи ёшлар банд-лигини таъминлаш бўйича муҳим ва-зифалар белгилаб берилди. Бу жа-раёнда ишсиз аҳоли ва ёшларни касб-хунарга ўқитиш, имтиёзли кре-дитлар бериб, тадбиркорликка жалб қилиш ва Хитой тажрибаси асосида маҳаллалар четда иссиқхоналар ташкил этиб, эҳтиёжманд оилаларга бўлиб берилиши энг тўғри ва оқило-на ечимдир.

Аҳоли бандлигини таъминлашда яна бир муҳим йўналиш, бу — қишлоқ

хўжалиғи соҳаси. Сабаби вилоят деҳқонлари қишлоқ хўжалиғи, хусу-сан, пахтачилик йўналишида ҳам ул-кан мактаб яратган. Галдаги вазифа етиштирилган қишлоқ хўжалиғи маҳ-сулотларини тўлиқ қайта ишлаш зан-жирларини яратиш орқали аҳоли да-ромадини оширишдан иборат.

Ўзим ҳам андижонликман. Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида халқ би-лан мулоқот қилиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, сайловчилар би-лан учрашувлар ўтказамиз. Очиғи, ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгили-шининг гўвоҳи бўламиз. Оддий ми-сол, яқин-яқинчага ёшлар иш излаб хорижга кетаётган бўлса, бу-гун улар оиласи бағрида, ўз маҳал-ласида меҳнат қилмоқда, даромад топмоқда. Ўзингиз айтинг, бундан ортққ бaxт борию яна?!

Аёнки, инсон қачонки иш жойи тайин бўлса, хотиржам ҳаёт кечи-ради. Андижонда кейинги йиллар-да бу муаммо босқичма-босқич ўз ечимини топмоқда. Ушбу ташриф том маънода вилоят тарихида янги даврни бошлаб беради. Зотан, бу галги ташриф минглаб фуқаролари-миз, ёшларимиз кўнглини тоғдек кўтариб, эртанги кунга ишончини янада оширди.

«Ипак йўли» эркин иқтисодий зонаси ташкил этилади

Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатимизда кейинги йилларда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшувчи эркин иқтисодий зоналарни барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу беҳиз зона эркин иқтисодий зо-наларни ривожлантириш мамла-катнинг макроиктисодий кўрсат-кичлари, шунингдек, ишсизлик да-ражасининг қамайиши ва аҳоли турмуш даражасининг ортшиғига олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатимиз-да 24 та эркин иқтисодий зоналар фаолият юритмоқда. Давлатимиз раҳбари Андижонга ташрифи да-вомида ҳозирги мавҳуд вазият инвесторларни жалб қилиш, ви-лоят иқтисодий салохиятини кўта-риш ва аҳоли турмуш фаровон-лигини ошириш учун эркин икти-содий зона ташкил этишни тақо-рда этаётганини айтиб ўтди. Шу мақсадда Андижон туманида 218 гектарда “Ипак йўли” эркин иқтисодий зонаси ташкил қили-ниши белгиланди.

Қайд этиш жоизки, Андижон вилояти билан Хитой ишбилар-монлари ўртасида 3 млрд. дол-ларлик келишувларга эришилган. Унинг 1 млрд. доллари шу йил-

нинг ўзида жалб этилиши мум-кин.

Мазкур ҳудудда 16 мингдан ортққ иш ўринлари яратилиб, йи-ллик 20,1 трлн. сўмлик саноат маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилиши, йиллик 580,7 млн. АҚШ долларии-лик қўшимча экспорт амалга оши-рилиб, Давлат бюджетига йиллик қўшимча 1,2 трлн. сўмлик солиқ тушумларни тушиши таъминланади.

Инвесторларга эркин икти-содий зоналар учун белгиланган барча солиқ ва божхона имтиёз-лари берилади. Шунингдек, сано-ат зоналаридаги бўш ерларга йи-рки лойиҳалар жойлаштирилади. Бу, ўз навбатида, вилоятни икти-моий-иқтисодий ривожлантириш, бандликни ошириш ва одамлар-ни рози қилишга хизмат қилади.

Умуман олганда, мазкур лойи-ҳани амалга ошириш орқали ма-ҳаллий аҳоли учун янги иш ўрин-ларини яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан биргаликда Буюк Ипак йўлида жойлашган мамлакатлар, хусусан, Хитой Халқ Республикаси билан савдо ва инвестициялар соҳаси-даги ҳамкорлиқни янада кенгайти-риш имкониятлари яратилади.

«Халқ сўзи».

Муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклифлар илгари сурилди

Инвестиция дастурлари доирасида саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида 964 та лойиҳа ишга туширилган.

Вилоятда ўтган йилда 2022 йилдагига нисбатан қарийб 2 баробар кўп тўридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўллаштирилган. Айни чоғда 333,2 млн. долларлик саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилган.

Ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган янги тур маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича 35 та лойиҳа доирасида қарийб 1,6 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш масаласига қаратилган эътибор тўғрйли 132,2 минг киши доимий, вақтинчалик ва мавсумий иш ўринларида жойлаштирилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар вилоятда амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Масалан, иқтисодий ўсишни таъминлаш, инвестицияларни фаол жалб қилиш, маҳаллий саноатни ривожлантириш, экспорт прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш

борасида айрим туман ва шаҳарларда кўри-лаётган чоралар етарли даражада эмас.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўсиш суръатлари 2023 йилда Сайхунобод ва Мирзаобод туманларида бир фоизни ҳам ташкил қилмагани ачинарлидир. Бундай паст кўрсаткич Ширин шаҳри, Мирзаобод ва Оқолтин туманларидаги қурилиш ишлари ҳажмида ҳам кузатилган.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 6 та туман ва шаҳарда бажарилмаган. Экспорт қилувчи корхоналар сони Сирдарё, Мирзаобод ва Гулистон туманларида ўтган йилдагига нисбатан камайган.

Мажлисда келтирилганидек, оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитлар бўйича қарздорлиқни ундириш ишлари Сирдарё туманида етарли даражада ташкил этилмагани сабабли қарздорлик 2023 йил бошидагига нисбатан 400 млн. сўмга ошган.

Худудий бандлик дастури доирасида инвестициялар ва маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳисобига иш ўринлари яратиш режаси Гулистон туманида 33 ва Мирзаобод туманида 52,4 фоизга бажарилган ҳолос.

Шулардан келиб чиқиб, сенаторлар томонидан мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Худуднинг ўзига хос салоҳияти, географик жойлашуви, табиий ва минерал ресурсларини ҳисобга олган ҳолда янги турдаги юқори технологик, инновация ва фан ютуқларига асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш шўлар жумласидандир.

Шунингдек, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари аъзоларига ҳар ойда дастурлар доирасида белгиланган топшириқлар ижросига масъул ходимлар томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, дастурлар ижросини таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўйган му-тасаддиларга нисбатан таъсирчан чоралар қуриш зарурлиги уқтирилди.

Муҳокама якунида Сенат Кенгашининг Сирдарё вилоятида ўз ечимини қутаётган муаммолар масалаларни бартараф этишга йўналтирилган тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

казида Сирдарёда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳалла-лардаги фаол хотин-қизлар ўрта-сида “Сен азиз ва муқаддасан аёл” шиори остида ўтказилаётган кўрик- танловнинг шаҳар босқичи қолибларини тақдирлаш маросимида қатнашди. Вилоят босқичига йўлланмани қўлга қиритган қолибларга эсдалик совғалар топширилди.

Шундан сўнг Ширин шаҳар “Ватанпарвар” маҳалла фуқаро-лар йигини фаоллари ва ҳарбий қисмида хизмат ўтаётган ҳарбий-ларнинг оилалари билан учрашув ташкил этилди.

Т. Норбоева Мирзаобод туманидаги “Нуронийлар маскани”-нинг очилиш маросимида қатнашар экан, ёшлар тарбиясида нуронийларнинг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш, жи-ноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар-нинг олдини олиш ҳамада улар-нинг оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ўрни муҳимлигига алоҳида урғу қаратди.

Ташдирфинг галдаги манзили — Сирдарё туманининг Ширин маҳалласидаги “Sirdaryo Mega Lux” масъулияти келганган жа-мияти бўлди.

Таъкидланганидек, полипропи-лен қоп ва плёнка, нотўқима мато маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктисослаштирилган корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 30 млн. долларни ташкил қилади. Корхо-на томонидан жорий йилда қий-мати 75 млн. долларлик янги ин-вестициявий лойиҳа амалга оши-рилиши ҳисобига 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Умуман, Олий Мажлис Сенати Раисининг сирдарёликлар билан ўтказган самимий мулоқотлари уларни янги марралар сари илҳомлантирмоқда.

«Халқ сўзи».

«БЕТАРАФЛИК ДЎСТЛАРИ» ГУРУҲИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева “Бетарафлик дўстлари” гуруҳига аъзо мамлакатлар парламентлари раҳбарлари

Ҳамкорлик

Шунингдек, форумда турли мамлакатлар парламентлари спикерла-ри, халқро ҳамда минтакавий таш-килотлар раҳбарлари ва вакилла-ри қатнашди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш ло-зим, тинчлик, ҳавфсизлик ва бар-қарор тараққиёт йўлида “Бетараф-лик дўстлари” гуруҳи Туркманистон ташаббуси билан тузилган БМТга аъзо давлатлар норасмий бирлаш-маси ҳисобланади.

Тадбирда “Бетарафлик дўстла-ри” гуруҳи тинчлиқни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорлиқни ри-вожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани, айни вақтда пар-ламент аъзолари қонун чиқарувчи-лар сифатида ҳар бир масалага тинчлик йўли билан ечим топиш, барқарор ривожланиш ва глобал ҳавфсизлиқни таъминлашда муҳим

биринчи учрашувида иштирок этди. Видеоконференцаола форматидagi ушбу тадбир Туркманистон Миллий Кенгаши Мажлиси томонидан ташкил қилинган бўлиб, тинчлик ва мулоқотни мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик масаласига бағишланди.

аҳамиятга эга эканлиги айтилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз нуткида ҳозирги кунда тобора кучайиб бо-раётган таҳдидлар шароитида ишонч ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳ-камлаш зарурати ортиб бораётга-нини таъкидлади. Ижтимоий-иқти-содий барқарорлиқни ҳар томонла-ма таъминлаш ва мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий ало-қаларни ривожлантириш халқро миқёсдаги кенг қўламли ҳамкорлик-нинг асосий йўналишига айланиб бораётганига ҳам эътибор қаратилди.

— Биз бугунги учрашувга пар-ламентларнинг кўп томонлама фор-матдаги амалий ҳамкорлигини ку-латириш, шунингдек, давлатлари-миз барқарорлиги ва фаровонлиги қаролати бўлган тинчлик ва муло-қотни мустаҳкамлашга йўналтирил-

ган масалаларни муҳокама этишга хизмат қиладиган платформа сифа-тида қараймиз, — деди Сенат Раиси.

Ўз навбатида, анжуманда ишти-рокчилар парламентлар ўртасида-ги ўзаро ҳамкорлиқни ривожланти-ришни давом эттириш муҳимлиги-ни таъкидлаб, бу кун тартиби-даги долзарб масалалар бўйича мутаносиб қарорлар қабул қилиш ва дўстона муносабатларни му-стаҳкамлашга хизмат қилишига урғу бердилар.

Тадбир сўнггида “Бетарафлик дўстлари” гуруҳига аъзо мамлакат-лар парламентлари раҳбарлари би-ринчи учрашувининг тинчлик ва мулоқотни мустаҳкамлашда пар-ламентлар ҳамкорлигини ривож-лантиришга қаратилган якуний ҳуж-жати қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Сенат кўмитасида

ТУРКИЯ ВА ОЗАРБАЙЖОНДАГИ ЭЛЧИЛАРИМИЗ ҲИСОБОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси мажлисида Ўзбекистоннинг Туркия ва Озарбайжондаги элчилари ҳисоботлари эшитилди.

Тадбирда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, масъул вазирлик ҳамда идоралар, давлат компаниялари раҳбарлари, маҳаллий ижро ҳокимият органлари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Эшитувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида шу йил 18 январь куни ўтказилган селектор мажлисидаги чуқур таҳлиллар асосида шаклланган ва-зифа ва топшириқлар ижроси юзасидан парламент назоратини ўрнатиш доирасида ташкил этилди.

Бунда олий даражадаги таширфлар натижасида қабул қилинган “йўл хариталари”даги лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни таъминлаш масаласи му-ҳокама марказида бўлди. Очиқ ва холисона муҳокама давомида “йўл хариталари”нинг ижросига доир масала-лар ва муаммолар танқидий кўриб чиқилди.

Туркия давлати билан ҳамкорликда 2023 йилда 1,2 млрд. доллар тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилингани, ушбу давлат компаниялари иштирокида 300 дан ортиқ янги корхоналар очилгани билдирилди.

Шу билан бирга, сенаторлар сўнгги 2 йил давоми-да Ўзбекистондан Туркияга экспорт ҳажми камайга-нига эътибор қаратди. Бундан ташқари, икки томон-лама савдода нотариф тўсиқлар сақланиб қолаётгани қайд этилди.

Туркия билан ҳамкорликда умумий ҳажми 613,4 млн. долларлик 48 та инвестиция лойиҳасидан 20,5 млн. долларлик 6 та инвестиция лойиҳасини амалга оши-риш турли сабабларга кўра ортда қолмоқда. Шунинг-дек, қатор вазирлик ва идораларнинг ҳаракатсизлиги туфайли 342 млн. долларлик 11 лойиҳа тўхтаб қолган.

Ушбу лойиҳалар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирли-ги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Навоий ва Наманган

вилоятлари ҳокимликлари масъул ҳисобланади.

Сенаторлар Ўзбекистоннинг Озарбайжондаги элчи-хонаси томонидан сиёсий ва маданий-гуманитар ҳам-корлик соҳаларида олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади. Савдо-иқтисодий соҳада эришилган ижо-бий натижалар эътибор этилди. 2023 йилда устав ка-питали 500 млн. доллар бўлган Ўзбекистон — Озар-байжон қўшма инвестиция фонди тузилди. Элчихона ташаббуси билан худудларда 115 млн. долларлик 4 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, дипломатик ваколатхона масъул бўлган нефть-газ саноати соҳасидаги ҳамда ушбу ва-колатхонага бириктирилган Наманган ва Хоразм ви-лоятларидаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар берилди.

Олий даражадаги таширф натижасида қабул қилин-ган “Йўл харитаси”ни амалга оширишда қатор муам-молар мавжудлиги таъкидланди.

Хусусан, “Йўл харитаси”га қиритилган 87 та лойи-ҳадан 4 таси (умумий қиймати 72 млн. доллар) кеч бажарилмоқда, 14 таси (569 млн. доллар) умуман амалга оширилмапти. Шу жумладан, Қишлоқ ҳўжа-лиги вазирлиги томонидан 8 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлар сўст олиб борилмоқда.

Ўз навбатида, парламент аъзолари тегишли идора ва компаниялар, вилоят ҳокимликлари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамада икки томонлама учрашувларни ташкил этиш бўйича республика ди-пломатик ваколатхоналарининг тақлиф ва муурожаатла-рини кўриб қиқишда тезкорлик таъминланмаганига эътибор қаратди. Ўзбекистон элчихоналари билан ҳаракатларни мувофиқлаштириш зарурлиги айтилди.

Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари раҳбарла-рига тавсиялар берилди ва ўз фаолияти самарадорли-гини ошириш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлис якуни бўйича Олий Мажлис Сенати кўми-тасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ФАОЛЛИК БИЛАН КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Маълумотларга қараганда дунё бўйича ҳар йили 1 мил-лиарддан ортиқ болалар турли зўравонликларга дучор бўляпти ва бу рақам йилдан-йилга ошиб борапти.

Мамлакатимиз мустақилликдан сўнг халқро ҳужжатлар ичида биринчилар-дан бўлиб ратификация қилган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда ҳар бир давлат болаларни зўравонлик, эксплуатация, тақирлаш ва гамҳўрлик кўрсатмаслик каби ҳолатлардан ҳимоя қилиш учун барча чорани кўриши белгиланган. Яъни унда зўравонлиқнинг бир неча тури санаб ўтилган. Лекин Ўзбекистон амалиётида фақат жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонлик билан ку-рашиб келинади.

Халқро талаб ва ҳуқуқни қўллашдаги муаммолардан келиб чиқиб, ушбу қонун лойиҳаси билан болалар зўравонлиқла-рининг олпига турини аниқ белгилаш тақ-лиф қилинапти. Булар жисмоний, жинсий ва руҳий зўравонлик билан бир-га гамҳўрлик кўрсатмаслик, эксплуата-ция ва ҳозир кенг тарқалаётган буллинг қиритилимоқда.

Амалиёт шуни кўрсатаяптики, болалар зўравонлиги билан, асосан, ҳуқуқни му-ҳофаза қилиш органлари курашяпти ва бу қутилган натижани бермаяпти. Яъни қонун даражасида бу билан шугуллана-диган ягона давлат органи белгиланма-ган. Шу боис Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг бу борадаги ишларга масъуллиги кўзда тутилмоқда.

Агентлик зўравонликдан жабрланувчи-ларга ёрдам кўрсатиш, маслаҳат бериш мақсадларида бутун Ўзбекистон худуди-да туну кун ишлайдиган бепул телефон линияси тармоғи ишлаб туришини ҳам таъминлайди. Яна тўққизта давлат ор-гани бу ишлар билан шугулланади. Болалар масалалари бўйича миллий комиссия эса ишларни мувофиқлаштириб боради.

Мазкур қонун лойиҳаси билан илк бора янги институт жорий қилинапти. Яъни эндиликда болаларга ҳам ҳимоя ордери бериш тақлиф этиляпти. Ордер ваколатли орган томонидан зўравонлик-дан жабрланувчининг қонуний вақилига ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахсга ҳамда зўравонликдан жабрланув-чининг ўзига берилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳолат юзасидан маълумотлар келиб ту-шган пайтдан бошлаб 24 соат ичида ва-зиятни баҳолаб, натижасига кўра ҳимоя ордерини беради ёки рад этади. Шу би-лан бирга, зўравонлик содир қилган оилалар билан ишлаш институти ҳам та-тибқ этилаётди.

Болалар зўравонлиқнинг барча шаклидан ҳимоя қилинади

Ўзбекистон “Адолат” социал-де-мократик партияси фракцияси йигили-шида ҳам “Болаларни зўравонлиқнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси атрофида кўриб чиқилди.



Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг маънавий ва жисмоний ривожла-ниши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, воғга етмаган болани меҳнатга маъмурий тарзда мак-бурлаганик учун жавобгарлик қунайти-рилди, тарбия муассасаларини тамом-лаган уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бо-лалар тураржойлар билан таъминланди.

Партия сайловолди дастурида ҳам ёшларни ҳар томонлама қўлаб-қувват-лаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан қайта шакллантириш, ёшларнинг энг долзарб муаммоларини фаол ва самарали ечиш устувор вазифа сифатида ўрин олган. Қонун лойиҳасида назарда тутилаётган

янгиликлар партия гоя ва мақсадларига уйғун ва ҳамохандир.

Ушбу қонун лойиҳасида болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишла-ри, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишга масъул давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг ваколатлари бел-гиланмоқда.



Шу билан бирга, болаларга нисбатан зўравонлик шаклларига таъриф берилиб, уларга аниқлик қиритилмоқда. Зўравон-ликдан жабрланувчи, шунингдек, ўзла-рига нисбатан зўравонлик содир этили-ши ҳавфи остида бўлган болалар тои-фалари (етим, назоратсиз, ақлий ривож-ланишда нуқсони бор, тиланчилик би-лан шугулланаётган болалар) кўзда тутиляпти.

Айрим меъёрлар бўйича мантиқий тушунтириш сўралди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йигилишида “Сув ресурсларини бошқариш тизими янада тақомиллаштирилиши муносаба-ти билан Ўзбекистон Республикаси-нинг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин мунозарога сабаб бўлди. Гап шунда-ки, қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун сув истеъмолчиларига нисбатан сув олиш лимитлари халқ депутатлари ту-ман (шаҳар) Кенгаши томонидан бел-гиланишини назарда тутувчи меъёр тақлиф қилинмоқда. Бу жараённинг



ташкил этилиши масаласида турли фикрлар билдирилди.

Фракция аъзолари яна қатор ма-салаларда саволлар билан ташаб-бускорларга юзланди ва аниқлик қи-ритилиши зарур бўлган жиҳатларга эътибор қаратди. Кейинги ўқишгача билдирилган эътирозлар юзасидан тузатишлар қиритиш, қўшимча ту-шунтиришлар бериш, асослар келти-риш шарти билан лойиҳа концептуал қўллаб-қувватланди.

Йигилишда қизгин баҳс-мунозара-га сабаб бўлган яна бир қонун лойи-ҳаси — “Болаларни зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисида”ги лойиҳа бўлди.

Лойиҳага кўра, зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқлари белги-ланмоқда. Мисол учун, зўравонлик

тўғрисидаги ариза билан тегишли ва-колатли органларга ёки судга муро-жаат этиш, махсус марказларда, шу-нингдек, бепул телефон линияси ор-қали текин ҳуқуқий, иқтисодий, икти-моий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш каби имкониятлар ярати-лиши назарда тутиляпти. Яна бир му-ҳим жиҳат — ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан муурожаат қилиш ҳуқуқи ҳам тақлиф этилмоқда.

Фракция аъзолари лойиҳада тақлиф этилаётган меъёрларни мантиқан ту-шунтириб беришни сўради. Масалан, ЎзХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров лойиҳада “телефон орқали маслаҳат берилади, психологик кўмак олиш имкониятлари ҳақида маълумот олиш мумкин”, деган изоҳлар келти-рилганига эътибор қаратди. Масалан, жабр қўрган бола 3-4 ёшда бўлиши мумкин. Улар телефондан қандай қилиб фойдаланади? Ахборотлашти-риш тизими илгари сурилган экан, буни ҳисобга олган ҳолда уни мукаммал-лаштириш мақсада мувофиқдир.

Депутатнинг таъкидлашича, қонун-нинг ичида махфийлик маълумотлари тўғрисида ёзиляпти. Шу қунгача бо-лага ёки қайсидир фуқарога зўравон-лик бўлгани қандай тартибда аниқлан-ган? Маълумотни ошқор қилиш каби ҳолатлар қузатилса ҳам, қонунчилик-да жазо қўллаш билан боғлиқ меъёр тақлиф этиляпти. Бироқ бугун икти-моий тармоқда қайсидир болага зўра-вонлик қилингани билан боғлиқ хабар-лар тарқалаяпти. Бунни қимдир қимчи-дир ҳимоя қилиш мақсадида чиқаряп-ти. Болани ҳимоя қилиш мақсадида хабар тарқатган фуқарога жазо қўллашнинг қонунда белгиланиши бу каби ҳолатларнинг аксига хизмат қилиб қолмайдими?

Халқ вакилининг ушбу саволига Иж-тимоий ҳимоя миллий агентлиги хо-дими Дилноза Ҳусанова жавоб бера-екан, болаларни ҳимоя қилишининг ҳар қандай усулини амалиётга қўллашда ресурслар билан боғлиқ масалалар амалда жорий қилинаётгани, худудлар, маҳаллалар кесимида ҳам тизимни йўлга қўйиш ишлари давом этаётга-нини маълум қилди.

Сув етказиб бериш хизматлари учун тўловлар бекор қилинади

“Сув ресурсларини бошқариш ти-зими янада тақомиллаштирилиши

муносабати билан Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжат-ларига ўзгартириш ва қўшимчалар қи-ритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йигилишида қизгин му-ҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси қуйи бўғин-да сув билан таъминловчи ташкилот-лар ва сув истеъмолчилари ўртаси-даги ўзаро муносабатларни тартибга солиш ва бу орқали сув ресурслари-ни бошқариш самарадорлигини оши-риш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқ-арувчиларига сув етказиб бериш хиз-матлари учун тўловларни бекор қилиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунларида Сув ҳўжалиги ва-зирлигининг туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлимида ҳамда махсус хизматлари неғизида “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасала-ри ташкил этилганлиги муносаба-ти билан тегишли ўзгартиришлар қиритилмоқда.

Бундан ташқари, худудлар бўйича сув олиш лимитлари халқ депутатла-ри туман Кенгашлари томонидан тас-диқланиши ҳақидаги нормани белги-лаш назарда тутиляпти.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси сув ресурсларини самарали бошқа-риш, улар юзасидан тўлақонли ҳисоб ва ҳисобот юриштиш, шунингдек, маз-кур жараёнларга халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг иштироки-ни таъминлашга қаратилганини таъ-кидладилар. Бу, қолаверса, партия дастурий мақсад ҳамда вазифалари-да назарда тутилган сув ресурслари-ни тежаш ва улардан оқилона фой-даланиш каби устувор йўналишларга тўла мос эканлиги қайд этилди.

Қизгин мунозаралар якунида қонун лойиҳасини тақомиллаштиришга қаратилган бир қатор тақлиф ва та-всиялар берилди.

Фракциялар йигилишларида муҳо-кама қилинган қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди, шунингдек, қун тартибидagi бошқа масалалар юза-сидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАР: Фойдаси кўпми ёки зарари?

Шу йилнинг 5 февраль куни Президентимиз раислигида ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳалари кўриб чиқилди, устувор вазифалар белгиланди. Муҳокама марказида бўлган масалалар барчамизга дахлдор. Айниқса, илм-фан, таълим соҳаси — ҳаёт-мамотимиз. У эртанги кунимизни белгилаб беради.

Нуктаи назар

Нима учун таълим, таълим, дея бонг уряпмиз? Чунки билимли, салоҳиятли ёшлар эртага Ватан қорига эрайди. Мамлакат мустақиллиги, юрт бирдам-лигини сақлаш айнан билимли кадр-ларга боғлиқ. Ўш авлод — халқимиз-нинг асосий таъйи ва суянчи ҳисобла-нади. Айнан замонавий билимлар, инновацион технологияларни, илғор касб-хунарни, хорижий тилларни эгал-лаган ўғил-қизлар мамлакат ривожи ва тараққиётида етакчи ўрин тутади. Боз устига таълим тизимида амалга оши-рилаётган ислохотлар мураббийларнинг қадри кўтарилиши, обрўйи тикланиши-да муҳим аҳамияти касб этяпти. Бу ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобат-ни юзага келтиряпти. Ҳаётининг ўз усти-да ишлаб, ўқиб-излаиб, ўқувчиларига яхши таълим бераётгани учун мунта-зам равишда рағбатлантириб бори-лаётгани устоз-муаллимларни янада ол-динга интилишга, сифатли ишлашга ун-дамоқда. Аммо ютуқлар билан бир қаторда ёшлар тарбияси борасида ай-рим муаммолар, салбий ҳолатлар бор-лигини ҳам тан олишимиз лозим.

Бугунги кунда кўплаб ёшларимиз бўш вақтларини интернет ахборот макони-да, хусусан, турли ижтимоий тармоқ-ларда ўтказаяётгани сир эмас. Интер-нетдан кимдир дарсларда фойдаланиш учун зарур маълумотлар олмақда, яна кимдир янгиликлардан хабардор бўлмоқда. Кимлардир ижтимоий тар-моқлар орқали янги-янги дўстлар орттираётир, узоқдаги ўз яқинлари билан мулоқотда бўлмоқда. Бунинг нима-си ёмон, техника даври, тараққиёт бўлса, деришсиз?

Тўғри, бунинг ёмон томони йўқ. Тан олишимиз керак, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, айниқ-са, интернет узоғимизни яқин, оғир-имизни енгил қилмоқда. Агар зарур бўлса, интернет ёрдамида бир неча дақиқа ичда ўзимиз хоҳлаган мавзу бўйича истаганимизга маълумот оли-шимиз мумкин.

Ватанимиз маданияти, тарихи ва ҳозирги ютуқларини бутун дунёга тар-ғиб қилишда ва шу орқали давлатимиз имижи ва обрўсини оширишда ижтимоий тармоқлар имкониятларидан са-марали фойдаланиш мумкин. Чунки ҳозирги пайтда Ер курагининг 80 фои-здан ортиқ аҳолиси бирон-бир ижтимоий тармоқда фаол. Маълумотларга кўра, дунё ёшларининг 96 фоизи ай-

нан у орқали ўзаро мулоқотга кириш-моқда. Дунё бўйлаб компанияларнинг 80 фоиздан ортиги ўз фаолиятида иж-тимоий тармоқлардан кенг фойдалана-ди. Одамларнинг 78 фоизга яқини иж-тимоий тармоқлардаги маълумотларга ишонади.

Лекин ёшларимизнинг интернет ва ижтимоий тармоқлардан, улардаги ма-ълумотлардан оқилона фойдаланишлар-и борасида жиддий ўйлаб қуришимиз керак бўлган жиҳатлар ҳам талайгина.

Талабалар, ўқувчилар, умуман, ёшларни кузатиб борамам. Уларнинг аксарияти бўш қолди дегунча, дарров қўл телефонга андармон бўлади. Қан-дайдир ўйин ўйнайди, қўшиқ эшитади, фильм томоша қилади. Минг афсуски, бундай кўриниш кўлами йилдан-йилга ортиб бормоқда. Уларнинг мобилъ те-лефон, интернетга бу қадар боғланиб қолишларини асло эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу, энг аввало, ёшларимизнинг саломатлигига, маъна-виятига салбий таъсир кўрсатади, пу-хта билим олишдан қалғитади.

Бундан ташқари, ҳажон ахборот ма-конида ахлоқсизлик, фаҳш, бузуқлиқни тарғиб қилувчи сайтлар ва уларнинг са-ҳифалари кенг ёйилгани; миш-миш, ёлғон, ўйдирмалар, бузғунчи гоёлар тарқатилаётгани; эълон қилинган айрим мақолаларда ишончли манбаларнинг йўқлиги, қайси китоб ёки сайтдан олин-ганлиги, ким ёзганлиги ҳақида манба-ларнинг берилмаслиги, муаллифлар ҳуқуқининг поймол этилиши, маънавий, интеллектуал ҳуқуқларнинг бузилиши каби ҳолатлар ёшлар маънавияти ва та-факкурига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Интернетга боғланиб қолиш оқибат-ида инсоний алоқалар заифлашади, юзма-юз кўришиш бўлмаганига тўғай-ли ўзаро меҳр камаяди, воқеликдан узи-либ қолиш ўз беради, оилавий аҳил-ликка путур етади; ёшларнинг ижтимо-ий тармоқлардан нотўғри фойдалани-ши вақтининг исроф бўлишига, меъери-дан ортиқ фойдаланиш эса унга ўрған-чи қолишига олиб келади.

Шу билан бирга, ижтимоий тармоқ-лар ўқиш ва билим олишга енгилтақ-лар билан муносабатда бўлишга (тайёр дарс ишланмалари, математик масала-лар ечимларини осонгина топиш ҳисо-бига дарс топшириқларини мустақил бажармасликка) сабаб бўлади. Ёшлар-нинг фаол ҳаракатда бўлмасдан, узоқ

вақт монитор рўпарасида ўтириши уларнинг жисмоний ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Мухтасар айтганда, бу жамиятга ва шахслараро мулоқотга, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам-га лаёқатсизлиқни, ижтимоий меъёр-лар ва умуминсоний қадриятларга бе-фарқ муносабатни шакллантиради.

ЮНИСЕФ ҳисоботига кўра, 15 — 24 ёшдаги шахслар интернетдан энг кўп фойдаланиш имкониятига эга бўлган гуруҳга қиради. 18 ёшгача бўлган бо-лалар ва ўсмирлар бутун дунё бўйлаб интернет фойдаланувчиларининг учдан бир қисмини ташкил қилади. Таҳлил-ларга кўра, бугунги кунда дунё микё-сида мактаб ёшидаги болаларнинг 10 — 20 фоизи руҳий саломатлик бил-лан боғлиқ муаммоларга учрамоқда ва бу ҳолат уларнинг аксарияти ўн тўрт ёшга тўлгунга қадар ривожланмоқда. Бундай вазиятда мактаблар болалар ҳаётидаги асосий тизимлардан бири сифатида ўз фаолияти кўламини ке-нгайтириши ҳамда бу каби муаммолар-ни ҳал этишда иштирок этиши лозим.

Албатта, ёшларнинг ўз бўш вақтини нуқул ижтимоий тармоқларда ўткази-ши тавшишли ҳолат. Бу жамиятда илм-сизлик, жоҳилик, ахлоқсизлик томи-рининг ёйилишига олиб келади, ёшлар онги ва маданиятига салбий таъсир қилади. Буларнинг олдини олиш учун ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш: таълим муас-сасаларида спорт секциялари, мусика, фан тўғаракларини давомий тарзда ва энг асосийси, ёшларни қизиқтира ола-диган даражада уюштириш, шу билан бирга, уларнинг ичидан иктидорлила-рини топиб тарбиялаш зарур.

Яна бир мулоҳаза. Ўқувчиларнинг го-ҳида кичик ёшдан ишлаб пул топишга мажбур бўлиб қолаётганлиги — чойхо-наларда, тўйхоналарда, бозорларда сарсон кезаяётгани ҳам бор ҳақиқат. Беш — ўн сўм пул топиб, ота-онани менсимаслик, уларнинг ўғитларини тингламаслик эса ўқиш, билим олишга қизиқшининг сусайишига сабаб бўлмоқ-да. Бола яримтўнғача чойхона, тўйхо-нада ишлаб, бозорда арава тортиб, эртасига дарсга кечикиб келиб, кел-ганда ҳам синфда мудраб ўтириб, тўлиқ таълим олармикан? Ундан ҳам ёмони, ана шу тўйхоналарда баъзи катталарда кўрган ёмон одатларни ўзлаштириб олиши улар тарбиясининг бузилишига сабаб бўлмайdimи? Илм ўқув даргоҳи-дан ҳаётдан олинимши мумкиндир, ле-кин одоб, тарбия, аввало, оилада, уйда олинади.

Шу боис аниқ вазифалари ва маж-буриятлари белгиланган "Ота-оналар мактаби"ни шунчаки номига, ҳўжақўр-синга эмас, расман ташкил этиш ло-зим. Мактабларда ота-оналарга улар-нинг бурчи, жавобгарлиги, мажбурияти



тўғрисида билимлар берилиши, бола-ларга психологик ёрдам кўрсатилиши керак. Ота-оналарга фарзандларини ўтиш (улғайиш) ёши даврида муаммо-лардан, интернет, ижтимоий тармоқлар-даги зарарли маълумотлардан асра-ни, таҳлил қилишни, маънавий, эсте-тик ва маданий тарбия беришда нима-ларга эътибор қилмоқликни ўргатиш зарур, деб ўйлайман. "Ота-оналар мак-таби" сабоқлари маҳаллада ҳеч бўлма-са бир ойда бир марта ташкил этили-ши керак. Ушбу мактабда сабоқларни олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, олимлар, психологлар, диний уламолар, ҳуқуқшунослар ва уму-ман, тарбия бўйича етакчи мутахассис-лар олиб борса, нур устак аёло нур бўларди. Ана шунда "оила — мактаб — маҳалла" чамбарчас боғланган, ота-она-лар, устоз-муаллимлар, маҳалла-қўй фарзанд тарбиясида масъулиятни тўла-тўқис хис қилган бўларди.

Ҳақиқатан ҳам, янги Ўзбекистонни шакллантириш, эркин ва демократик фуқаролик жамиятини қуриш, учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш жараёнлари кетаётган бугунги кунда маънавий-маърифий ишлар самарадор-лигини ошириш, юртдошларимиз онг-тафаккурини юксалтириш, хориж мат-буоти, айниқса, интернетдаги ижтимоий тармоқларда "очиклик", "де-мократия", "оммавий маданият" қури-нишлари ортидаги ёт гоёлар, диний-экстремистик қарашлар таъсиридан, айниқса, ёшларни асрашда жамияти-миз зиёилиари, ўқитувчи ва мураббий-ларнинг ўрни ва роли ниҳоятда қатта.

Бугун медиамаконда маданиятсиз-лик, ахлоқсизлик қўринишлари, милла-

тимиз маънавиятига зид бўлган гоёлар кенг тарғиб этилмоқда. Бу билан ким-лардир ўзларининг ғаразли манфаати йўлида миллий ва диний қадриятлари-мизга, халқимизнинг эъгулик ҳамда яхшиликка йўғрилган ўзига хос, умр-боқий аънаналари илдизига болта уришга уринмоқда. Бундай ҳолатга биз, зиёилиларнинг томошабин бўлиб қараб туришимиз ёки эътиборсиз бўлишимиз ҳеч бир мезонга тўғри келмайди.

Инсоният тарихининг барча даврида улуг аждодларимиз миллитимиз шаъ-ни, кадр-қимматини юксакларга кўта-риш, миллий қадриятларимизни эъзоз-лаш йўлида курашган, бу борада дунё халқларига ибрат бўлган. Бугун биз ҳам бу борада кўпларга ибрат бўлишимиз лозим. Навқирон авлодни ёт ва бузғун-чи гоёлардан асраб-авайлаш, уларга тўғри йўлни кўрсатиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истар эдимки, Тошкент давлат иқтисо-диёт университети жамоаси, профес-сор-ўқитувчилари ушбу масалага ҳами-ша жиддий эътибор қаратиб келади. Турли тадбирлар, бевосита мулоқотлар-да талаба ёшларимизга интернет маъ-лумотларидан тўғри ва оқилона фой-даланиш, билиб-билмасдан турли ёт гоёлар таъсирига тушиб қолмаслик юза-сидан тушуниришлар бериб борилмоқ-да. Президентимизнинг 5 февраль куни ўтказган йиғилишида белгиланган ва-зифалардан келиб чиқиб, албатта, бу борада тарғибот ишларини қучайтири-шга, унинг илғор ва самарали усуллари-дан кенг фойдаланишга янада кўпроқ эътибор қаратилади. Ҳажон ахборот ма-кони орқали тарқатилаётган бузғунчи гоёлар, ғаразли ахборотлар, ҳаётимиз зийнати бўлган одоб-ахлоқимиз, маъ-навиятимизга салбий таъсир кўрса-тадиган, ёшларни залолатга бошлайдиган жирикан тасвир ва медиамаҳсулот-лар моҳиятини кескин фош этиб, оқни оқ, қорани қора деб, асл ҳақиқатни юза-га чиқариш учун бор имкониятимизни ишга солаимиз. Ҳеч қачон унутмаслиги-миз керак, маънавий қурашлар соҳа-сида фақат ва фақат азму шижоат бил-лан дадил ҳаракат қилган, олдинга интилган жамиятгина мақсадига етади.

Шундай экан, ёшларимиз ижтимоий тармоқлардан зарурий маълумотлар манбаи сифатида фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Хусусан, глобал тармоқ воситасида мамлакат имижини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, Ўзбекистон ёшларининг илмий ва ин-теллектуал фаолияти, уларнинг ижодий ишлари, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлик тақлифларини бутун дунёга тарғиб қилиш чекитириб бўлмас вазифалардан. Пировардида ижтимоий тармоқлар сегментини фаол ёшлар иштирокида ташқи тарғибот ишларининг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил даражасига олиб чиқиш зарур. Бу билан биз навқирон авлодни турли балолардан ҳимоя қилиш, уларни маънавиятли, ко-мил инсонлар этиб тарбиялаш ишига ҳисса қўшган бўлаимиз.

Саидрин ХУДОЙҚУЛОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Туризм ривожига хизмат қилади

"Silk Road Samarkand" халқаро туризм марказида "Hilton Samarkand Regensi" меҳмонхонаси очилди. Мазкур замонавий меҳмонхонада тадбирлар учун умумий сигими 880 кишига мўлжалланган учта кўп функцияли конференция зали мавжуд.

Инфратузилма

Иншоотнинг танталаи очи-лиш маросимида Экология, ат-роф-муҳитни муҳофаза қилиш

ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳақимов, Самарқанд вило-яти ҳокими ўринбосари Рустам

Қобилов, туризм бизнеси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Кейинги йилларда Ўзбе-кистон туризм бозорига "Hilton", "InterContinental", "Hyatt", "Radisson", "Minyoun", "Movenpick", "Wundham", "Ramada", "Accor" ва бошқа жа-хонга машҳур меҳмонхона тар-моқлари кириб келди, — деди

Азиз Абдуҳақимов. — Бунинг за-жотида, албатта, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида туризм соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, иш-билармонлик муҳитини яхши-лаш учун яратилган қулай шарт-шароитлар муҳассам.

Самарқандда, шунингдек, "Ипак йўли" туризм ва мада-ний мерос халқаро универси-

тетининг янги талабалар турар-жиё биноси ҳам фойдаланиши-га топширилди. У 400 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда хорижий ва маҳаллий талаба-лар учун барча шарт-шароит яратилди. Шунингдек, спорт тўғараклари, кутубхона фаоли-яти йўлга қўйилган.

Абдулғазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

«Неварамни излаб, кутубхонадан топдим»

Жўрақул Махсимов 74 ёшда. Турмушнинг аччиқ-чучугини тотган бу отахон билан суҳбатлашган киши ҳаётнинг кадр-қиммати, ўғил-қизлар тарбияси билан боғлиқ билими, дунёқарашини бойитиб олади. Бу бежиз эмас. Бухоро вилоятининг Олот туманидаги Мухтор маҳалласида яшовчи отахон эсини танибдики, китоб мутолаа қилади.

Китобхонлик

да кутубхона очиш нияти тарк этмади. Китобларим, камтарона бўлса ҳам сар-моям бор эди.

Она юртга қайтган Шаҳноза амалий ишга киришди. Туман ҳокимлиги ва бошқа хайрихоҳ ташкилотлар кўмаги билан унга қадрдон мактабидан хона ажратиб берилди. Тиниб-тинчмаси қиз ижтимоий тармоқдаги саҳифалари ор-қали савобталаб инсонларга мурожаат йўллади. Натижада ҳам китоб таъми-ноти, ҳам маблаг масаласида ёрдам кела бошлади. Ютуқлар эса хайратла-нарли: қисқа муддат ичида маҳалла-нинг 300 дан зиёд хонадонларига ку-тубхона китоблари кириб келди.

мизда ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортган эди. Воқеалар ривожидан ўзиб айтиш лозимки, Ёшлар ишлари агент-лиги раҳбарияти томонидан бу кутубхо-нага "Ибрат фарзандлари" лойиҳаси до-ирасида 12 та планшет совға қилинди.

— Кишлоғимиздаги 29-умумтаълим мактабида ўқиганман, — дейди Шаҳ-ноза Наврўзова. — Кейин Низомий но-мидаги Тошкент давлат педагогика университетида тахсил олдим. Пойтах-тимиздаги академик лицей ва ўқув марказларида ишладим. Беш йилча Туркиянинг Истанбул шариҳида ҳам ўқиб, ҳам ишладим. Қаерда бўлмай мени болалиқдаги оруз — кишлоғимиз-



— Қайси бир кун неварам Асад-бекни излаб, уни маҳалладошимиз Шаҳнозахон ташаббуси билан очилган кутубхонадан топдим, — дейди у. — Очиғи, бундан жуда хурсанд бўлдим. Сизга айтсам, оиламизда неваралар кўлига китоб тутган маҳал уларни бошқа юмуш билан қалғитмаслик ода-ти бор. Ахир китоб — билим манбаи. Ундан олган билим билан бирни эмас, мингини йикиш мумкин.

Дарвоқе, бундан тўққиз ойча аввал мамлакатимизнинг шу чекка маҳалла-сида яшовчи Шаҳноза Наврўзова сайъ-ҳаракати билан кутубхона очилган ва бу нафакат вилоят, балки республика-

Норин дарёси устига янги кўприк қурилади

Наманганда Учқўрғон ва Норин туманларини вилоят маркази билан боғловчи янги йўл қурилиши лойиҳаси тасдиқланган. 17,5 километр узунликда барпо этиладиган мазкур трасса ҳозирги кунга қадар хизматда бўлган эски автомобиль йўлида вужудга келган тирбандлиқни бартараф қилиш баробарида ҳудуддаги аҳоли пунктларини янада ободонлаштириш ҳамда йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш имконини беради.

Кулайлик

Куни кеча бўлажак трассанинг Но-рин дарёси Ўйчи туманидан кесиб ўта-диган қисмида қурилиши мўлжаллан-ган кўприкка тамал тоши қўйилди.

— Лойиҳа қиймати 184,9 миллиард сўмга тенг 481 метр узунликдаги янги кўприк Республика йўл қурилиш дирекцияси бюротмачилигида бош пуд-ратчи — "Тошкент кўприклардан фой-даланиш" давлат унитар корхонаси то-монидан бунёд этилмоқда, — дейди Ўйчи тумани ҳокимининг биринчи ўрин-босари Фарҳод Мамадалиев. — Кўприксоэзлар айни чоғда қурилишол-ди тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиб, асосий юмушларга киришди.

Маълумот учун, Наманган вилояти автомобиль йўллари ривожига хизмат қиладиган янги кўприкни 2025 йилнинг учинчи чорағида тўла битказиш режалаштирилган.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Маданий алоқалар

Ўзбекистон музейларидаги ноёб тарихий экспонатлар Буюк Британияда намоиш этилади

Мамлакатимиз элчихонаси кўмағида Ўзбекистон маданияти ва санъатини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Маданий мерос агентлиги вакилларининг Лондондаги Британия музейи раҳбарияти билан учрашуви ташкил этилди.



Музокаралар чоғида Британия музейи негизида Ўзбекистон ма-даниятини тарғиб қилиш, икки мам-лакат музейлари ўртасида ҳамкор-ликни йўлга қўйиш масалалари му-ҳокама қилинди.

Хусусан, 2024 йил сентябрдан 2025 йил мартгача Британия му-зейида Ўзбекистон музей экспонат-лари намоиш этиладиган "Ипак йўли" кўргазмасини юқори даража-да ташкил қилиш юзасидан кели-шиб олинди.

Учрашувда, шунингдек, Ўзбе-кистондаги музей коллекциялари-дан ушбу кўргазмада намоиш эти-ладиган ноёб экспонатлар рўйхати ҳам тасдиқланди. Жумладан, маз-кур кўргазмада Афросиёб музейи-даги элчилар тасвирланган дево-рий сурат, Варахшдаги қизил ранг-ли хонадан олинган деворий сурат, Қофирқалъадан топилган ноёб ўймакор панно ва Сўғд даврига оид экспонатлар намоиш этилади.

Айтилишича, Ўзбекистоннинг ил-гари ҳеч қаерда намоиш қилин-маган айрим ноёб экспонатлари Британия музейи кўргазмасининг дурдонасига айланади ва бу, ўз навбатида, мамлакатимиз тари-хий-маданий меросини дунёда янада кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Британия музейи дунёдаги қадим-ий, энг қатта ва энг кўп томоша-бин келадики музейлардан бири-дир. Музейга 1753 йилда қирол-лик шифокори ва санъат коллек-ционерни Ханс Слоан томонидан асос солинган. Унинг кўргазмала-ри 94 та галереядан иборат, уму-мий узунлиги 4 километрни таш-кил этади.

Айни пайтда мазкур маданий-та-рихий мажмуа қадимги дунёнинг ноёб коллекцияларига эга ҳажон-даги энг йирик тарихий ва архео-логик музей ҳисобланади. Унга ҳар йили бутун дунёдан 5,5-6 миллион киши ташриф буюради.

«Дунё» АА.
Лондон

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коддин телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қопилхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41.

ЎЗА яқуни — 23.35

Топширилди — 01.20

1 2 3 4 5 6